



Алихонтўра ўғирлаб олиб чикиб кетилиши оқибатида Совет ҳукумати Шинжонда кўзлаган мақсадига эришолмади, чунки бу билан қутилган мурасали «битим» тузиш натижасида ўлкада юзага келган келишмовчилик, нотинчлик вазиятини юмшатиш имконияти тугилмайди. Аксинча, Олтойда Усмон ботир Алихонтўрани топасанлар, деб исён кўтаради. У ердаги янги ҳукумат одамлари қўлга олиниб, камалиш, отилишлар янгидан бошланиб кетади. Вилоят ҳукумат ўринларига ўзининг содик одамларини тайин қилиб, Усмон ботир советпараст янги ҳукумат вакиллари ўлкани кизиллаштириш сиёсатида айблаб, марказ Урумчига шикоят билан элчи юборади.

Хитой ҳукуматининг бу ишларга муносабати ҳам аниқ ва катъий бўлмайди. Оғзида Усмонни қоралаган бўлиб, зимдан унга қурол-яроғ етказиб бериб туради. Чунки Чанкайши ҳукумати кизил коммунистларнинг таъсирини қаерда бўлишидан катъи назар йўқотиш учун бутун Хитой бўйлаб уриш олиб бормокда эди. Урумчида янги тузилган бирлашма ҳукумат аъзоларининг кўпчилиги Аҳмад афанди бошлиқ уч вилоят раҳбарларини негизида совет одамлари деб биларди. Шунинг учун уларнинг таъсирини сусайтириш мақсадида уч вилоят ичида шаклланган бирликни синдиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатни қўллашга интиларди.

Урумчида тузилган бирлашган ҳукуматнинг маҳаллий вакиллари орасида ҳам зиддиятлар кўп эди. Қошғария вилоятларининг вакиллари Мухаммадамин Бугро, Айсо Алиптекин

хазрат, Маъсуд афанди бошлик гурух радикал хисобланган Ахмад афанди бошлик Или вакилларига ишонмас эдилар. Улар ҳам Усмон ботирдай ҳамма ишни килаётган ўрислар: ичкари Хитойда коммунистларни гоминданчиларга карши уриштирмоқда, уч вилоятда кизиллаштириш ишларини олиб бориш учун бунга карши бўлган Али-хонтўрани ўртадан кўтарди, деб уларни ёқтирмас эди.

Улар:

— Биз кизилларга жон-жаҳдимиз билан каршимиз. Чунки улар келса биринчи навбатда динни йўкотади; ерни, мол-мулкни умумлаштиради; урф-одат, кадриятларимизни оёкости килади; иймонли, диёнатли, халк орасида обрўйи бор одамларни узоктарга сургун килади, камайди, отади. Улардан халкка наф тегмайди, бор эркини кўлидан тортиб олиб, кул килиб ишлатади. Шунинг учун биз уларга карши курашамиз, деб ўз дунёкарашларини ошкора ифода этарди.

Бирлашган ҳукумат таркибида Хитой коммунистларининг гоё ва мақсадларини кўллайдиган гурух намоёндалари ҳам иштирок этар эди. Уларнинг вакилларида бири бўлган Абдукарим Аббосов — янги ҳукумат котибининг муовини, кейинги пайтларда:

- Шинжондаги асосий зиддият - бу синфий зиддият. Шунинг учун Хитой коммунистлари раҳбарлигида пролетариат диктатураси ўрнатилгандагина, «эзувчи» синф йўқотилгандагина миллий, ижтимоий эркинлик, тенглик амалга ошади, — деган ташвиқотни килар эди.

Бу гурух билан Ахмад афанди гуруҳининг кўз карашлари деярли бир хил бўлса ҳам, лекин улар сажда киладиган каъба бошка-бошка ерда эди.

Мана шундай ички зиддиятларга тўла бўлган бирлашма ҳукумат тепасида тараккийпарвар генерал Жанг Чезунг турарди. У «ягона Хитой давлати таркибида миллатлар иттифоқини мустаҳкамлаш асосида тараккийёт эшикларини очиш орқали янги Шинжонгни кўрса бўлади», деб хисоблар ва шу сиёсатни амалга оширишга интилар эди. Лекин унинг бу интилишлари советларнинг туб манфаатларига мос эмас эди. Улар кўпроқ уч вилоят ўлкасида Хокимиятни кўлга олган Ахмад афанди бошлик ўз одамлари орқали демократик ўзгаришлар никоби остида ўз таъсирини мустаҳкамлашни, бу ердаги бойликлардан чексиз фойдаланиш имкониятини кўлга киритишни кўзлар эди. Уларнинг бу стратегик мақсадига эришиш йўлида янгидан катта гов бўлган нарсаси — бу кенгайиб бораётган Усмон, Калибек каби ботирларнинг исёни бўлиб, уларнинг асосий талабларидан бири Алихонтўрани ўз ўрнига кайтариб келтириш эди.

Кейинги пайтларда бу талабни Шаркий Турки стон мусулмонлари ҳам, Миллий армия сафидагилар ҳам гоҳ пардали, гоҳ ошкора кўринишда ўртага кўймоқда эди. Бунинг ошкора кўриниши курулли кўзголон шаклида бўлиб, у кўпроқ козок эли орасида канот ёё бошлайди. «Кизиллаштириш» сиёсатидан безган мулкдор кишилар, савдогарлар ўз фаолиятини йиғиштириб, бу ердаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни янада кескинлаштирмоқда эди.

Алихонтўра ўгирлаб олиб чикиб кетилгандан кейин ўлкада юзага келган бу янги вазият узокни кўзлайдиган Совет «мутахассис»лари учун у кишининг тақдирини узил-кесил хал килишга имкон бермай, ўйлантириб кўйган эди.

Авваламбор Яратганнинг кудрати ва хохиши билан Алихонтўра бошчилигидаги Шаркий Туркистон мусулмонларининг озодлик ва мустақиллик учун олиб борган кураши шу ерда

узилиб, тўхтатилади. Колаверса, Алихонтўрадан кейин Шаркий Туркистонда юзага келган ечими йўк халк кўзголиши мумкин бўлган кескин вазият сабаб бўлгани учун, у кишини тез йўқотиб ташлаш Совет КГБ сига хос ўз жиноят ва хиёнат ишларининг изини колдирмаслик режаси амалга оширилмай, вақтинча эҳтиётлик билан уй камогида саклаб туриш керак, деган қарорга келинади.

Келажакда унинг ўзидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имконияти бўлмаса ҳам, у кишига киёфадор, қўшок одамни тайёрлаш учун зарур бўлиши эҳтиёткор КГБ нинг махсус мутахассислари томонидан ҳисобга олингани эҳтимолдан холи эмас.

Ватанларидан мажбурий хижрат қилинганидан кейин Тангри тоғ ўлкасида инқилоб қилиб ислом дини, маданияти асосида, маърифатпарвар, тараккиётга юз тутган давлат қуриб, бутун Туркистон озодлигини орзу қилган Алихонтўра тақдир тақозоси билан мустамлака зулми остида, динсизлар қўлида инграб ётган Ватанига яна зўрлик билан қайтарилади.

Аллохнинг тақводор мўмин бандаси Алихонтўра тақдирга тан бериб, Ухуд газоти вақтида нозил бўлган: «Вала тахину вала тахзану ва антумул аълавна инкунтум муминин», яъни «Эй мўминлар, бўшашманглар, қайгурманглар, албатта, сизлар устундурсизлар, агар чин мўмин эрсанглар», деган Қуръон оятига ва Расулulloх (с.а.в.) айтган «Ислом устун бўлур, остин бўлмас, голиб келур, мағлубиятда қолмас» сўзларига амал қилиб, хайратланарли бекиёс жасорат, қўрқмаслик намуналарини кўрсатиб, мустамлака ватанида яшай бошлайдилар.

Кейинги воқеаларнинг бориши шуни кўрсатдики, Аллох субҳанаху ва таолонинг тақдир ёзувида у кишининг қолган умри дунёдаги энг катта динсизлик ва иймонсизликка қарши гоёвий қурашга бағишланган бўлиши белгиланган экан. Бунинг ижобати Алихонтўра ёзиб қолдирган илмий асарларда ўз ифодасини топган.

Шак-шубҳасиз Аллохнинг қудрати, ҳиммати ва мўжизаси бўлиб, «дин халқлар учун опийум» дейилган ваҳший, даҳшатли, динсиз бир жаҳиятда уй ҳибсида яшаб туриб, «Тарихи Муҳаммадий» ва «Туркистон қайғуси» каби динсиз большевиклар шакллантирган атеистик жаҳиятни фoш этувчи асарларни яратишга муяссар бўлади.

У киши «Тарихи Муҳаммадий» китобида ёзадилар: «Ватаним мени суймас экан, мен уни севганлигимдан, миллатим мени танимас экан, мен уни таниганлигимдан булар учун ҳар яхшилиқни қилмоқчи эдим, қилолмадим. Оз бўлсаям қилмай қараб туrolмадим ва ҳам келажакдаги қаҳрамон ўзбек, уйғур болаларига, балки бутун Туркистон мусулмонларига ўзимдан ёдгорлик қолдирмоқчи бўлиб она тилимда бу китобни ёздим. Бундан мақсадим, ҳақиқий ислом динини асоси билан халққа тушунтириш, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни умматларига таништириш эди.

Ҳозирги даврда диёнат билан тараккиёт бирга яшай олмайди деган ҳато фикр оқиллар томонидан эмас, жаҳондаги жохиллар томонидан тарқалмишдир. Ҳақиқатда эса, дин покликдур. Покликка қурилган ахлоқдур. Динимизнинг асли ақлдур, қуроли илмдур. Маърифат унинг сармоясидур. Муҳаббатдин ишининг асосидур».

Ўзбек халкининг гурур-ифтихорларидан бирига айланган улуг бобокалонимиз сохибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари”ни таназзул йилларида таржима қилиб, халқимизни бу буюк сиймо тимсолида мудрок уйқудан уйғотишга ҳаракат қилади. Мустабид тузум ҳукмронлик даврида инсон ҳақ-ҳуқуқлари, миллий гурур, порлок маънавиятимиз, ислом маданияти ва ахлоқи мавзуларини ўз асарларида кенг ёритиб ва тарғиб қилиб, умрининг охириги қисмини ҳам озодлик ва мустақиллик учун курашиб ўтказади.

У кишининг бу даврдаги фаолияти ҳақида мустақил Ўзбекистан матбуотида кўплаб мақола ва асарлар битилган ва бу жараён ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Алихонтўра 1976 йили феврал ойида Тошкент шаҳрида 91 ёшда бу фаний дунёдан абадий оламига юзланади.

Инсонсевар Алихонтўра Соғуний ҳаётининг охириги йиллари ҳақида марҳум укамиз Бобурхонтўра шундай ёзади:

Тошкент шаҳри, Коҳата маҳалласининг бир ҳароба бурчагида жойлашган кўримсиз, кичкина, аммо бағри кенг, кўнгилга яқин, баракали қулбада ўзбек халқининг буюк ўғли Алихонтўра Соғуний бобомизнинг иймон ва қалб чўғлари билан муборак умрининг охириги дамларигача кўринишдан бир текис, осойишталикда тўртқулокли ҳаёт қозони тинимсиз қайнар эди.

Олтин рангли зар салла жойлашган муборак бошларини баланд кўтариб дадил, собит қадам ташлаб, ҳазрати Алишер Навоийни олиб қочса, юрт-элнинг тақдирига бефарқ, мурасачи кишилар уялиб қарардилар, ҳаммаслақ дўст-биродарлар эса ҳаяжон ва ҳайрат билан боқар эдилар.

Алихонтўра Соғуний ҳазратларининг Ватан ва миллатга бўлган ҳиссиёти қанчалик диний руҳ билан сугорилганлигига қарамай, ул зот ўзини олди билан “мен яралишимдаёқ инсонпараст эдим” дейди. Нега у ўзини ҳамма учун тушунарли ва яқин бўлган инсонпарварман деб ҳисобламайди? Ахир, инсонпарварлик аслида гуманизм демакдир-ку! Ўйлашимизча, бунинг сабаби инсонпарварлик кўпчиликка ҳос бўлган ҳиссиёт бўлгани ва ўз ичига яхши-ёмон амалларни олиши ҳам мумкинлигидир. Ҳаммага маълум, инсонпарварлик гоёсини никоб қилиб олиб, инсоният тарихида мудҳиш, даҳшадли жиноятлар содир қилган “инсонпарвар” арбоблар қам бўлган эмас. Бундай ҳолатлар мавжудлиги инсонпарварлик, дунёқараш иймондан эмас эканлигини кўрсатади.

Буни яхши билган, ўз иймон-эътиқодига содиқ, Аллохни севган, тақводор Алихонтўра Соғуний инсонпарварлик тушунчасидан ўзини эҳтиёт қилади ва инсонпарастлик буюқ фалсафий гоёни мусулмон оламида биринчилар қаторида илғари суради.

Иймонимиз қомилки, дунёнинг кўрки бўлган, Аллохнинг ягона ақл ва қалб эгаси бўлмиш севиқли бандаси ўз парвардигори томонидан азиз ва муқаррама қилиб яратиб қўйилган бўлса-ю, унга ўз раҳмати ва марҳамати ила, ҳатто, ўзи яхши кўрган фаришталарини сажда қилдирган бўлса-ю, Аллохнинг солиҳ ва сиддиқ бандаси Алихонтўра нега “мен инсонпарастман” демас экан? “Параст” сўзининг форсча луғавий маъноси “севмок”, “яхши кўрмок”, “ёқтирмок”дир. Бу сўзнинг яна бир маъноси “сигинмок”дир. “Будпараст”

сўзи билан “шахсиятпараст” сўзи маъносида канчалик катта фарк бўлса, Алихонтўранинг инсонпарастлиги билан динпарастлиги ўртасидаги фарқшунчалик оздир.

Алихонтўра Соғуний учун бутун ер юзидаги махлукот — инсон, хайвон ва наботот Аллохнинг яратган нарсалари бўлиб, уларнинг хилкати, моддаси, жисми ва рухи мусулмондир. Кофирлик ва мушриклик балосига гирифтор бўлган бенасиб миллатлар ва элатлар устидан Алихонтўра унчалик кайгуриб кетмайди, уларни ёмонлаб фикр юргизмайди, исломга даъват этмайди. Алихонтўра факат уларнинг такдиридан афсусланиб, озгина кулимсираб “бечоралар” деб кўяди, холос. Чунки у аминки агар Аллохнинг ўзи мушрикларга ўзининг охириги Расули оркали марҳамат қилиб: “Уларга айтинг, ноумид бўлмасинлар” деб хабар берган бўлсаю, Алихонтўранинг номусулмон инсонларга бўлган умидлари нақадар катта эканлигини фараз қилиш унчалик қийин бўлмаса керак. Алихонтўра Соғуний хазратларининг бундай дунёкараши унинг буюк инсонпараст гуманистлигидан далолатдир.

* * *

Алихонтўрадан кейин Шаркий Туркистон Уч вилоят ўлкасида содир бўлган айрим воқеа ва ҳодисаларга қисқача тўхталиб ўтамыз.

Кайта қурилган Шинжонгўлка ҳукумати раиси, мохир сиёсатчи генерал Жанг Жежунгга Совет ҳукумати томонидан ўз зиммасига олинган махфий вазифа «аъло» бажарилгани, яъни Шаркий Туркистон миллий мустақиллигини бошдан охиригача қатъият билан ҳимоя қилиб турган Шаркий Туркистон ислом жумҳуриятининг байроқдори, ҳукумат раиси Алихонтўра ўртадан кўтарилгани кенг сиёсий имкониятлар яратиб беради.

Агар Совет ҳукуматининг бу хиёнатқарона қирдикори бўлмаганда Уч вилоятда у киши бошчилигида галаба қозонган миллий озодлик инқилоби Шаркий Туркистоннинг қолган вилоятларига ҳам тез ёйилиб, шак-шубҳасиз галаба қозониши мумкин эканлиги аниқ эди. Шу сабабли, Марказий Хитой ҳукуматининг фавқулодда вақили бўлган ва Шинжонг ўлкасининг келажак тақдирини ўз ихтиёрича ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган бу генерал ўз фаолиятининг бош мақсади қилиб, Хитой давлатчилиги янги демократик Шинжонгни яратишга ҳаракат қилади.

Натижада ҳукумат томонидан қабул қилинган ўлка дастурида Хитой - Совет дўстлигини мустаҳкамлаш, халқчил сиёсатни йўлга қўйиш, миллатлар иттифоқини кучайтириш ва шу тамойиллар асосида тинчликни ўрнатиш ва саклаш қабилар асосий вазифа деб белгиланади. Дастурда эълон қилинган ўлканинг сиёсий-иҷтимоий, молиявий-иқтисодий, маданий-маориф ва миллий тенглик, инсон ҳуқуқи ҳамда демократик ўзгаришлар тўғрисидаги аниқ кўрсатмалари ҳақиқатан ҳам тўлиқ ижро этилса, ўлка халқининг келажакда тараккиёт йўлига чиқиб олиши мумкинлиги кўринар эди.

Шу дастур асосида буюк Хитой давлатчилиги манфаатини кўзлаб, географик ўрни жихатидан хитой таъсиридан анча узоқда бўлган бу ўлкада бир қатор демократик ислохотлар ўтказила бошлайди. Биринчи навбатда, очик сайловлар ўтказилиб, вилоят ва

марказий Кенгашларга халк вакиллари сайланади. Натижада Кенгашлар аъзосининг кўпчилигини ерли миллат вакиллари ташкил қилади. Шунга мос равишда янгиланган ўлка ҳукумати таркибида ҳам ерли миллат вакиллари сони ошади.

Афсуслар бўлсинки, катор имкониятлар юзага кела бошлаган бундай қулай вазиятда ҳукумат аъзолигига сайланган ерли миллат вакиллари ўртасида гуруҳбозлик авж олиб, ўзаро низолар кучайиб кетади. Улар жипслашиб, амалий ислохотлар юргизиш, халкка илм-хунар, маърифат эшикларини очиш ўрнига мансаб талашиб, игво кўзгаб бошка «йўл кўрсатувчи»ларнинг хошиш-идрокларини амалга оширувчиларга айланиб қолишади.

Бундан хабардор бўлган халк орасида турли манфаатдор кучларнинг гиж-гижлашлари натижасида гўё ўз тарафдорларини химоя қилаётгандай бўлиб кўплаб намоийшлар, тартибсизликлар, кўзгалишлар содир бўлади. Аммо энди йўл кўрсатувчи шам-чироксиз, турли манфаатлар қалашиб ётган коронги йўлдан буюк мақсад сари юриш бенихоят оғир иш эди.

Янгича сиёсат юрғизишга интилган Жанг Жежунг ерли халкнинг ҳукуматга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириш мақсадида, миллий мухторият тамойилларига амал қилган бўлиб, бир йилдан кўпроқ вақт ўзи эгаллаб турган ҳукумат раислиги лавозимини ерли миллат вакилига топширишга қарор қилади. Бу ўринга унинг тавсиясига биноан ҳукуматнинг ўнг қаноти вакиллари намояндиларидан бўлган Маъсуд Бойқўзи афанди 1947 йили 28 май куни тантанали равишда ўлка Кенгаш аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади ва Марказий Хитой ҳукумати уни тасдиқлайди.

Бу ўринга ҳукумат раисининг ўринбосори бўлиб ишлаб турган Ахмад афандининг тавсия қилинмагани ўлкада кучайиб бораётган советлар таъсирини камайтиришга уриниш эди. Чунки Маъсуд Бойқўзи Собирий туркий бирлик, яъни “пантуркизм” гоёсининг йирик намояндиларидан бўлиб, советлар тузумининг ашаддий душманларидан эди. Бу гоё эгалари оғизда туркий миллат ва халқлар озодлиги, бирлиги учун қурашар эдилар. Улар:

— Биз туркмиз, туркий бирлик даъвосини қилишга ҳақлимиз, чунки бунинг табиий асослари мавжуд. Бу — тарих, юрт ва маданият бирлиги, умумий дин ва тил борлигидир, — деб ўз гоёларини Ватаннинг ичида ҳам, сиртида ҳам кенг тарғибот қилар эдилар. “Пантуркист”чилар Советлар мустамлақаси бўлган Туркистон ўлкасининг тўлиқ озод ва мустакил давлат бўлишини талаб қилар эди. Раислик лавозимида ўтириши билан Маъсуд афанди бу йўналишдаги ишларга кенг йўл очиб беради. Миллий ҳисли зиёлилар журнал ва газетларда миллий тарих, маданият, тил, дин, маънавият масалаларига оид кўплаб мақолалар билан чиқа бошлайдилар.

Шу билан бирга матбуотда радикалчиларни “қизиллаштириш” сиёсатини ўлка халқига сунъий тикиштиришда айблаб, кенг ташвиқот ишлари ҳам олиб борилади. Ўлкада Совет таъсири кучайиб бораётгани очик танқид қилина бошлайди.

Яна шу мажлисда уйғур, қозоқ, татарлар орасида обрў-эътибори анча юқори бўлган Бурхон Шахидий Марказий Хитой ҳукумат хайъати аъзолигига ўлкадан номзод қилиб кўрсатилади ва тасдиқланади. Жанг Жежунг бу номзодни танлаганда у кишининг татар миллатига мансублиги туфайли муқим сиёсий майдонга эга эмаслигини ва ҳар икки гуруҳ

— радикаллар билан консерваторларга бир хил муносабатда эканлигини инобатга олган бўлса керак.

Бизнингча, бунинг бош сабаби — Бурхон афандининг хамиша давлат бирлиги ва бутунлиги масаласида Хитой томонга ён босиб иш кўрганидир. Ватан туйғусига эга бўлмаган бу киши, 1949 йили хитой коммунистлари ҳокимият тепасига келиб гарбга юриш бошлаганда Шаркий Туркистон ўлкасини иккиланмай уларнинг қўлига ўтказиб берди. Кейинчалик, “раис” бўлмиш Бурхон Шахидий ўлкада Кизил Хитой сиёсатини изчиллик билан, огишмай амалга оширган ва шу сабабли ўз мансаб курсисида узок ўтиришга муваффақ бўлган кишилардан бирига айланди.

Уддабурон Жанг Жежунг сиёсатидаги бундай ўзгаришлар, биринчи навбатда, у ерда иш олиб бораётган совет консулига ёкмайди. Шу пайтгача ўлкадаги муҳим ўзгаришларда консул воситачилик қилиб, маслахатчи бўлиб фаол иштирок этиб келган эди. Уларнинг режаси бўйича раислик лавозимига ўзларига содик бўлган Ахмад афанди тайинланиши лозим эди. Бу - дунё вазияти ўзгариб турган ана шу пайтда, икки давлат муносибатлари ҳали тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли келажакда ҳам муҳим рол ўйнаши керак эди.

Кутилмаган бу воқеадан хабар топган Урумчидаги совет виде консули Евсеев ўлка ҳукумати раисининг муовини Ахмад афандини чакиртириб, бу масалага қарши чиқиш юзасидан унга кўрсатма ва маслахатлар беради. Алихонтўра қўлида ишлаб миллий хиссиёти анча уйгонган, Урумчига келиб буюк миллат етакчилари Исобек Алиптекин, Мухаммадамин Бугро, Маъсуд Бойқўзи каби инсонларнинг гоё ва интилишларини тушунган Ахмад афанди, ипсиз боғланганлиги сабабли яна ўз хоҳиш ихтиёрига қарши совет “маслахатчи”ларининг айтганини бажаришга мажбур бўлади.

У Маъсуд афандилар билан биргаликда янги ҳукумат таркибида ишлаб, Шинжонг ўлкасига ваъда қилинган олий мухториятни қўлга киритиш учун курашиш ўрнига, уларни консерваторликда, Хитой ҳукуматининг мухтор вакили Жанг Жежунгни “битим”га ҳилоф биртарафлама иш кўраётганликда айблаб, ҳукумат таркибидан чиқади ва ўз тарафдорларини олиб, Гулжа шаҳрига қайтиб кетади.

Ҳукумат аъзоларининг бу фожиали бўлиниши уйғур миллатининг ички ва ташқи душманлари Алихонтўрани сиёсий сахнадан узоклаштиргандан кейин эришган иккинчи катта ютуғи эди.

Бир отга мингашган бу кишилар билиб-билмай, ўзларича, отни етаклаш учун тизгин талашдилар. Лекин тизгин ўзларининг қўлида эмаслигини кўрларча билмадилар, билишни ҳам истамдилар. Натижада, биринчи галда икки душман ўз манфаатлари йўлида махфий тил бириктириб, Шаркий Туркистон мустақиллигини йўқ қилган бўлсалар, иккинчи галда уйғур миллати учун ваъда қилинган олий мухторият ҳам бутунлай йўқотилди.

Ўз тарафдорлари билан бирга Гулжага қайтиб келган Ахмаджон Косимий “2-дом” “мутахассис”ларининг кўрсатмаларига мувофиқ зинхор қуролли тўқнашувни мақсад қилмай, тинчлик ва демократияни химоялаш масалалари атрофида халқни

жипслаштириш, уч вилоятдаги вазиятни тахлил килиб, совет билан савдо-сотик ишларини жадаллаштириш, халк ичида совет тарафдорлари ва фуқороларининг сонини зимдан паспорт таркатиш йўли оркали кўпайтириш, ўлка ҳукумати билан келишув олиб бормаслик, ички Хитой фуқаролар уруши натижаларига тайёр туриш каби вазифа-топшиқларни бажариш билан банд бўлади.

Ўлка ҳукумати Ахмад афанди бошлик гуруҳга 5-6 ой ўткандан кейин Урумчига қайтиб келишни, ўртада келиб чиққан низоларни ақл доирасида музокара килишни ва ечимини топишни таклиф килиб хат жўнатади. Лекин бу тараф Маъсуд афандининг ўлка раислик вазифасидан бўшатилиши талабини биринчи шарт сифатида қўядилар. Ўз “холислик” вазифасини бажараётгандек кўрсатган Совет ҳукумати вакили икки томонни “юмшатишга ҳаракат қилгандек бўлади.

Уйгур миллатининг кейинги давр тарихига кўз ташласак, бу ўлкада юз берган ҳар бир кўзғолон ва инқилобларда ўрислар ошқора ва яширин фаолият кўрсатганини кўрамиз. Бунинг бош сабаби уларнинг ҳеч қачон уйғурларнинг мустақил бўлишига ёрдам бериш, хайрихоҳлик билдириш ниятлари эмас эди, балки Шарқий Туркистоннинг табиий ер ости ва ер усти бойлиқларини ўз манфаати йўлида хохлаганича талаш ва ишлатиш эди.

Холбуки, бу мустабидлар уйғур халқининг мустақиллигини хохламасди, чунки улар мустамлака зулми остида тобе бўлган ўзбек, козок, киргиз ва бошқа қариндошларига таъсир кўрсатишига, оқибатда, улар ҳам мустақиллик даъвосини қўтариши мумкинлигига тоқат қилолмасди. Шу сабабли руслар бу ўлкани ҳар доим ўз таъсир доирасида сақлашга интилан, фақат бунинг имконияти бўлмай қолган пайтлардагина уни Хитойларга қиммат баҳода сотиб қолган эди.

Япония билан уруш ва давомли ички қонли курашлар натижасида қолдан қолган Чанкайши ҳукумати ҳозирги шароитда Шинжонгни ўз қўлида сақлаб қолиш учун, Иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозониб, қудрати янада ошган қўшни Совет Иттифоқи билан ҳар қандай муроСага боришга тайёр эди. Совет ҳукумати бунинг биланлиги сабабли, Хитой томонга Урумчидаги бош консули Савельев оркали Шинжонгдаги воқеаларга ўз муносабатини билдиради. Унда кўрсатилишича: “Шинжонгда юзага қолган вазиятнинг ечими, асосан, генерал Жанг Жежунг таъқидлагандай, Хитой-Совет дўстлик муносабатига ва миллий масала ечимига боғлиқдир. Уни Хитой — Совет муносабатини дипломатия йўли билан яқинлаштириш, дўстлик ришталарини муштақамлаш оркали амалга оширса бўлади.

Лекин миллий масалага алоҳида эътибор бермок лозим. Совет ҳукумати пантуркистларнинг Хитой давлати таркибидан ажралиб чиқиш ҳаракатини қатъий қоралайди. Ҳар қандай давлатдаги оз сонли миллатлар ўзларининг ватанларидан ажралиб чиқиб, ҳаргиз порлок истикбол йўлига эришолмайди. Ўз ватанидан бўлиниб чиқиш учун бўлаётган ҳозирги уринишлар оз сонли миллатлар учун фақат зиён қолтиради.

Шу сабабдан ўлка ҳукумати Маъсуд афанди қабил одамларнинг раис бўлиб туришига биз норозимиз. Агар бу масала “мақсад”га мувофиқ ҳал қилинса, ҳозир Шинжонгда юзага

келиб колган бир канча ички масалаларни жиддий хал килиш имконияти тугилади. Биз генерал Жанг Жежунгнинг бу йўналишдаги сай-харакатларини кўллаб-куватлаймиз. Агар лозим топилса, илгаридаги каби Или тараф билан бевосита кенгаш олиб бориш учун икки томонни яраштириб кўйиш воситачилигини ҳам ўз зиммамизга оламиз. Бу вазифани бажариш Гулжадаги консул зиммасига топширилди” — дейилади.

Шинжонгни кўлда тутиб туриш учун ўрисларнинг гашига тегмай, улар билан келишиб ишлаш зарурлигини тушунган генерал Жанг Жежунг таклифига кўра Гоминдан ҳукумати Маъсуд афандини ўлка раислигидан бўшатиб, Бурхон афандини унинг ўрнига тайинлашга қарор қилади. Маъсуд афанди гоминданчилар кутган жойидан чикмади. У киши имкониятдан фойдаланиб, биринчидан, туркчилик гоёсига содик ҳаракатлари билан Хитой давлатининг бутунлигига ҳавф сола бошлаган эди, иккинчидан, унинг ўрисларга очик қарши ҳаракати энди тикланиб келаётган Хитой — Совет муносабатлари яхшиланишига хизмат қилмади.

Ўрисларнинг эътирозини ҳисобга олиб, яна бир қатор ўзгаришлардан кейин, Жанг Жежунг Или тарафга: “Сизлар қарши бўлган Маъсуд афандини ўридан олдик, энди Урумчига келинглари, биргалашиб ишлаймиз...” каби таклифни қилади. Бунга жавобан Аҳмад афанди гуруҳи Урумчида юз берган ўзгаришларни ижобий баҳолайди ва ҳозирги ўзгарувчан вазиятда Бурхон афандидек одамнинг ўлка раиси вазифасини эгаллаб туриши ўзлари учун зарарсиз деб билади. Улар Бурхон Шахидийни билимли, бой тажрибага эга бўлган, энг асосийси, жохил мутаассиб киши эмас, деб баҳолайдилар. Бунинг яна бир ижобий томони, Бурхон афандининг хитойлар ичидаги илгор фикрли, демократияга мойил одамлар билан танишлиги ва улар билан тил топишаолишидир, дейди улар.

Лекин Хитой ичидаги ҳокимият учун гоминданчилар ва коммунистлар ўртасида узок давом этиб келаётган қонли уруш Совет Иттифокининг ёрдами билан коммунистлар фойдасига хал бўлаётган вақтда, Аҳмад афанди гуруҳининг ўлка гоминдан ҳукумати таркибида бирга ишлаши советлар манфаатига мос эмас эди. Чунки Шинжонг масаласи ҳам буюк давлатлар келишувида коммунистлар фойдасига хал бўлган эди. Шу сабабли бу таклиф қабул қилинса, келажакда кўшимча ташвишлар юзага чиқиши эҳтимолдан холи эмас эди.

Бундан ташқари, Алихонтўра бошчилигида амалга оширилган инкилобнинг миллий мустақиллик гоёсига хиёнат қилингандан кейин ўтган давр ичида ўлкада юзага келган нотинчлик, иттифоксизлик, вилоятларда, ҳатто армия ичида содир бўлаётган қорозиликлар Аҳмад афанди ва унинг сафдошлари қарашларида Совет ҳукуматига муносабатни ҳам ўзгартира бошлаган эди. Бундай ҳолатни кўздан қочирмайдиган совет “мутахассис”лари уларга ишончини йўқота бошлайди. Шу сабабли, совет “маслаҳатчи”лари Урумчидаги Янги ҳукумат таркибида ишлаш режасига очикдан-очик қарши чикмаса ҳам, бир канча шартлар қўйишни уларга тавсия қилади.

Талабларнинг асосийлари: Шинжонгга инкилоб даврида ички Хитойдан келтирилган ўн минглаб аскарларни ўлкадан олиб кетиш; етти вилоятда қамалган илгор фикрли кишиларни дарҳол озодликка чиқариш; бунга сабабчи бўлган ҳарбий амалдорларни

жавобгарликка тортиш; бирлашган ҳукуматнинг амалий ҳуқуқдоирасини чекламаслик кабилар эди. Булар дарҳол амалга оширилиши мумкин эмас эди. Шу боис Советнинг гаразли маслаҳати, босими остида ўлка халкининг манфаати йўлида бирга ишлаш, миллий бирликни тиклаш имконияти иккинчи бор ҳам қўлдан кетади.

Уч вилоятда русларнинг гаразли манфаати бўлмаганда, балки ўз раиси атрофида бирлашиб ишлаган ўлка ҳукумати мағлубиятга юз тутган Гоминдан ҳукуматидан маҳаллий халқучун бир канча миллий эркинликларни олиш, жумладан, имтиёзли мухториятга эга бўлиш эҳтимоли бўлармиди? Негаки, Гоминдан ҳукумати ҳар доим ўз чиқишларида давлат отаси ҳисобланган Сун Ятсиннинг “Уч миллий маслак” таълимотидаги “Оз сонли миллатларга ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи берилади”, дейилган тамойилга амал қилинади, деб қўп марта очик таъкидлаган эди-да. Афсус, тақдирда тесқари ёзилган бўлса, бандаси нима ҳам қилар эди!

1949 йилда ички Хитойда коммунистлар ҳокимияти тахтини эгаллаган кизил аскарлари билан уларнинг сиёсий раҳбарлари гарбга — Шинжонг ўлкасига ҳам етиб келади. Ўлкадаги вазиятни тўла ўз назорати остида ушлаб турган Совет ҳукумати келажакда Шарқда социалистик лагернинг мустаҳкам кўргони бўлади, деган умидда — янги коммунистик давлатни қутлаб, унга Шинжонг ўлкасини тухфа қилади.

Қадимдан бу икки катта қўшни империялар оз сонли, ўз давлатига эга бўлмаган уйғурларга ўхшаган миллатларнинг тақдирини ўз хоҳиш-ихтиёри манфаатлари асосида ҳал қилиб келгани маълум. Хатто Шарқий Туркистон уч вилоятида Алихонтўрадан кейин ҳокимият тепасига ўзлари қўйган, умр бўйи советларга фидойи бўлиб, садокат билан хизмат қилган Аҳмаджон Косимий ва унинг сафдошларини ҳам улар сурбетларча алдайдилар.

Урумчига келган янги тузум эгалари бўлмиш Кизил хитойлар ҳокимиятни силлик, ҳеч қандай қаршиликсиз, ўзаро қелишув асосида қабул қилиб олади. Бу вазиятда Шинжонгдаги ишларни узокни қўзлаб тартибга солган, керакли одамларни ўз жойига қўйган, буюк ягона Хитой давлатчилиги мафқурасига ҳамиша содиқхизмат қилиб келган генерал Жанг Жежунгнинг роли катта эди. Бу “сиёсий тулки” номини олган киши ўз гоёсига содиқ холда галаба қозонган коммунистлар ҳукумати хизматиға ўтади.

Унинг маслаҳати ва “раис” Бурхон Шахидийнинг ёрдами орқали янги ҳукумат ўлкада ўз тартибини тез ва осон ўрнатади. Биринчи бўлиб, ўлкадаги икки юз мингдан ортиқ гоминдан аскарлари қуролсизлантирилиб, ишлаб чиқариш қурилиш армияси шаклида қайта тузилади. Узокни қўзлаган янги Пекин раҳбарияти режасига биноан ички хитойдан яна шунча сонли аёл-қизлар қўчириб келтирилиб, оила қуриш орқали уларни шу ерда илдиз орттириш, ерлаштириш ишлари жадаллик билан амалга оширила бошлайди.

Шу билан Алихонтўра қайгуриб “Ўз Ватанида мустақил бўлмаган кичик миллатлар келажакда қора аждаҳога ютилиб кетади”, деб башорат қилган жараёнга биринчи қадам ташланган эди. Халқ гамини ўйлагандек кўринган бу ёлгончи-алдамчи коммунистлар, керак жойда қурол қучи билан ҳамда фойда-зиёнини тўғри тушунмаган, виждонсиз, қора-қуров қондорлардан фойдаланиб, динсизлик-худосизликка асосланган ҳокимиятни

Ўлканинг етти вилоятида ўрнатади. Бу йўқсуллар тузумини қабул қилмаган, унга қарши бўлган Урумчи ва бошқа шаҳарлардаги билимли, истеъдодли, миллатсевар, ватанпарвар миллий зиёлилар, нуфузли кишилар ҳар хил уйдурма баҳоналар билан яна қамалади, отилади, огир ишларга жўнатилади. Фақат айримларгина ўзга юртларга хижрат қилиш имконини топадилар. Шулар қаторида бўлган Исо Юсуф Алптегин, Мухаммадамин Бугро, Пўлат Кодирий қаби буюк инсонлар умр бўйи Ватандан ташқарида Шарқий Туркистон халқининг озодлиги, миллий мустақиллиги учун курашиб келганлар.

Уч вилоят халқи мустамлақа зулмига қарши қон тўқиб инқилоб қилган, мустақил давлат қуриб, озодликнинг ширин таъминини татиган, мудроқ, гафлат уйқусидан уйғонган халққа нисбатан, Қизил хитойлар ўзгача сиёсат юргаздилар. Гулжага етиб келган ваколатли Хитой комиссарлари биринчи навбатда вазиятни яхшироқ ўрганиш учун бу ерда мустаҳкам ўрнашиб олган ва лаганбардорлик билан ўзининг дўстона муносибатини ҳар қадамда билдириб турган Совет консулхонаси, “2-дом” ва бошқа идораларнинг “махсус” ходимлари, “маслахатчи”лари билан учрашадилар. Улар хўжайинларининг ўзаро қелишганидан мамнуният билан бу ердаги вазиятга алоқадор барча маълумотларни муқаммал билдирганидан ташқари, миллий кадрларнинг, обрўли шахсларнинг тўлиқ рўйхатлари, улар ҳақида йиллар давомида йигилган махфий маълумотларни ҳам тўла топширадилар.

Лекин бунга қаноат қилмаган Қизил комиссарлар азалдан Хитой халқи ва ҳукуматига содиқ бўлиб келган “фидоий”лар, янги ҳокимият эгаларига мансаб таъмасида ўз садокатларини шошилиб изҳор қилмоқчи бўлганлар, ўзларини моддийончи, компартия ва Мао гоёларининг изчил мухлислари деб таништирганлар билан ҳам алоҳида-алоҳида учрашувлар ва суҳбатлар ўтказадилар. Улар бу йигилган ахборат, маълумот ва материаллар асосида бўлиб ўтган инқилоб ҳақида, бу ердаги Аҳмад афанди бошлиқ ҳозирги раҳбарият, Советларнинг таъсири тўғрисида етарлича маълумотга эга бўладилар.

Йиллар давомида Гоминдан ҳукумати билан тинчлик ва мухторият масаласида музокараларда тобланган, Алихонтўра кўл остида ишлаб миллий хиссиёти уйғонган Аҳмад афанди ва унинг маслакдошларининг миллий масалага нисбатан қарашлари ва муносабатлари тўғрисида аниқ маълумотлар тўплайдилар. Уларнинг ҳулосаси шуни кўрсатадики, бу ердаги раҳбарият Шинжонгни янги Хитой ҳукумати тарқибида Совет Иттифоқидаги республикаларга ўхшаш республика бўлишини истайдилар. Номи “Уйғуристон” бўлишини ва ундан қелиб чиқадиган ҳақ-ҳуқуқларга эғалик қилишини хоҳлайдилар. Бу хоҳиш-истакларни Уч вилоят раҳ-барияти Хитой вакиллари билан бўлган бир қанча учрашувларда тарихан асослаб қатъият билан изҳор қилдилар.

Бундай муносабат Қизил комиссарлар учун қўтилмаган муаммо бўлади, чунки Хитой коммунистларининг ҳам ягона бир бутун давлат тарқибида кичик миллатларга республика макомини бериш ниятлари йўқ эди-да!

Ўз мақсадига эришиш йўлида ҳар қандай усуллардан фойдаланиш мумкин деган тамойилга амал қиладиган совет “мутахассис”лари ўзлари бошлаб қўйган бу ишни ими-жимиди саранжонлаш ниятида яна бир разилликка кўл уради.

1949 йили сентябр ойида Пекинда бўлиб ўтадиган умумхалк сиёсий маслаҳат Кенгашида Шинжонг ўлкасидан вакил бўлиб катнашишга Гулжадан Ахмаджон Косимий бошлик уч вилоят раҳбарияти таклиф қилинади. Бутаклифни марказнинг Шинжонг масаласига бўлган катта эътибори, деб тушуниш лозимлигини билдирган Гулжадаги Кизил комиссарлар ва совет “махсус” ходимлари унга жиддий тайёргарлик кўриш маслаҳатини берадилар. Бунинг учун улар ҳар қандай ёрдамга тайёр эканликларини ҳам билдиришади. Натижада Пекинда Шинжонг масаласи юзасидан қилинадиган докладни тайёрлашга киришилади. Хатто бу ишга ўзларининг ташаббуси билан “Шинжонгшунос” хисобланадиган Совет дипломатларидан бири бўлган собик вице-консул Василий Борисов ҳам жалб қилинади.

Бу киши хитой коммунистлари Шинжонгга кириб кела бошлаганда Гулжада яна пайдо бўлиб қолган эди. У Шаркий Туркистон уч вилоят инқилобида Совет Иттифоқининг ваколатли вакили бўлиб иштирок этган, ўз ҳукумати номидан уни қўллаб-қувватлаб, ўқ-дори, қурол-яроқ, аскарый қуч билан ёрдам қилишни Алихонтўрага ваъда берган кишиларнинг бири эди. Бу садокатли “ижрочи” Гоминдан ҳукумати билан “тинчлик битими” имзолангандан кейин дарҳол қўздан қўйиб қилинган бўлса ҳам, янги Хитой ҳукумати олдида совет манфаатларини ҳимоя қилиш, Совет — Хитой дўстлигини мустаҳкамлаш учун яна жалб қилинган эди. Василий Борисов уч вилоят раҳбариятининг тузилаётган янги Хитой давлати таркибида Шинжонг ўлкаси қамида олий мухторият мақомига эга бўлиши керак, деган фикрини ҳам билар ва уни қўллаб-қувватлар эди.

Натижада анча катта ҳажмга эга бўлган баённома - доклад тайёрланади. Унда уйғур давлатчилигининг тарихий асослари, уйғур халқининг асрлар давомида мустамлақа зулмига қарши олиб борган миллий озодлик қурашлари, ички ва ташқи душ-манларнинг ўзаро тил бириктириб, уйғур миллатининг ҳаққоний манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари доимо сотилиб келинганлиги ишончли далил-исботлар билан баён этилади. Докладнинг асосий ҳулосасида уйғур халқи бир бутун демократик Хитой давлати таркибига иттифокдош республика ёки олий мухториятга эга бўлиб кириши, ўз она Ватанига ҳаққоний равишда ворислик қилиши, дунёдаги барча эркин халқлар қатори тинчликда хотиржам яшаш истаги борлиги тантанали равишда қатъият билан билдирилади.

Қўп тортишув, муҳокамалардан ўтиб, тасдиқланган ва хитой тилига таржима қилинган бу докладнинг мазмуни, албатта, янги Хитой ҳукумати вакилларига ёқмайди. Уларнинг режаларига, марказдан олган қўрсатмаларига, Совет томони билан юқори доирада қилинган келишувларга Шинжонг масаласининг бундай қўйилиши зид эди. Уйғур миллатининг тақдири умумий мафкура, ягона содиалистик тузум, Совет — Хитой дўстлиги йўлида қурбон қилинган бўлиб, бошданок, уни ҳал қилиш янги Хитой ҳукуматининг ички иши, деб эътироф этилган эди. Ерли халқ қўзи олдида ўзларини дахлсиз қилиб қўрсатиш ниятида хитой коммунистлари “ўзинлар пиширган овқатни ўзларинг енглар”, дегандай зарда қилиб муаммони ҳал қилишни яна Советлар томонига юқлайди. Номуссиз, виждонсиз сарик иблис бу вазифани ҳам ҳеч иккиланмай ўзларига ҳос совуққонлик билан ҳал қилади.

Бу пайтга келиб Совет ҳукумати Шинжонг масаласидаги ўз мақсадларини амалга ошириб бўлган эди. Биринчидан, ўзининг ёш атом энергетикаси учун сувдай зарур бўлиб турган

Шаркий Туркистон ўлкасининг Олтой ва Тарбагатой вилоятларидаги конлардан шиддат билан йиллар давомида ташиб йигилган радиактив уран рудалар захираси атом бомбасини саноатлаштириб ишлаб чиқариш учун етарли миқдорда йигилган эди. Иккинчидан, совет қуроли ва ёрдами билан Осиё китъасидаги энг йирик Хитой давлатида ҳокимият тепасига коммунистлар келтирилди. Келажакда содиалистик тузумнинг Осиё мамлакатлари бўйлаб ёйилиши учун бу катта замин эди. Совет Иттифоқи бошчилигида Шаркий Овропа ва Осиё китъасини қамраган ягона содиалистик лагер шаклланимда эди. Учинчидан, ўзлари ясаган ташки Мўғулистон давлатини янги Коммунистик Хитой ҳукумати тан олишга мажбур этилди ва Совет — Хитой чегарасидаги узун ҳудудда ҳар эҳтимолга қарши ўзига содик буфер давлат тикланди.

Бу эришилган натижалар эвазига ва келажакда маслақдошлар биргаликда амалга оширадиган “буюк” мақсадлар йўлида Шаркий Туркистон ўлкаси, уйғур миллатининг миллий мустиқлик қураши, озодлиги, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари қурбон қилинди. Сталин ва унинг ҳамтовоқлари виждонсизларча инсоний ахлоқнинг оддий меъёр, приндип ва мезонларига ҳиёнат қилдилар. Совет ҳукуматининг махфий қарорида: “Шинжонда кейинги йилларда “махсус” ташкилотлар томонидан олиб қорилган барча ишлар тугатилсин, уч вилоят халқи ихтиёрий равишда янги коммунистик Хитой давлатининг таркибига қириши таъминлансин, Совет — Хитой дўстлик муносабатлари мустиққамлансин”, деб қўрсатма берилди.

1949 йил август ойининг охирида Пекинга умумхалқ сиёсий маслаҳат Қенгашида Шинжонг халқи номидан иштирок этиш учун Аҳмаджон Қосимий бошлиқ делегация Гулжадан жўнаб кетади. Делегация таркибига унинг раиси Аҳмаджон Қосимий, Миллий армия қўмондони генерал-лейтенант Исҳоқбек Мононов, Олтой вилояти волийси генерал-майор Далелқон Сугурбоев, хансу миллатининг вақили сифатида Абдуқарим Аббосов, таржимон-қотиб Абдурашид Иминов, адъютант майор Гани Қаримов бошлиқ тўрт нафар муҳофазатчи ходимлар ва бошқалар қиради. Жами 11 киши, бошқа манбаларга биноан 17 киши. Делегацияни қузатиб қориш вазифаси Гулжадаги Совет вице-қонсули Василий Борисов зиммасига юкланади.

Хайратланарли ҳол шундаки умумшинжонг халқи делегацияси таркибига ўлка ҳукуматининг Урумчидаги аъзоларидан бирор киши қиритилмаган эди. Бу ҳолат делегация аъзоларини серғаклантириши қерак эди-қу! Пекин улар Урумчидан вақиллар тақлиф қилинмаганини ўзгача гурур билан ўзларининг Пекин олдидаги обрў-эътибори баландлигидан деб тушунадилар.

Совет ҳукуматининг тақлифига биноан делегация Пекинга Совет Иттифоқи орқали учишлари қерак эди. Лекин Олмата аэропортидан қўтарилган самолёт Пекинга етиб қелмайди. У Иркутск атрофида ҳавода ҳалокатга учрайди ва барча делегация аъзолари ҳалок бўлишади. Мана шундай шафқатсиз усул билан ўз қингир ишларининг бажарувчилари, гувоҳдари гумдон қилинади. Бу Совет махсус ташкилотларининг навбатдаги разил тадбирларидан бири эди. Маълумотларга қўра, бу фожиа тафсилотлари шу қунга қадар махфий сақланмокда.

Гулжадаги совет қонсули бу ерда қолган ҳукумат аъзоларидан Сайфиқдин Азизийни 3

сентябр куни ўз олдига таклиф килиб, Москвадан шошилишч олинган куйидаги маънодаги телеграммани рус тилида ўқиб эшиттиради: “Ахмаджон Косимий бошлик делегация учиб кетаётган Ил-12 русумли самолёт Иркутск устидан ўтаётганида об-хаво кескин ёмонлашиб, ўз бошқарувини йўқотгани учун, бахтга қарши, тоққаурилади. Самолёт ичидаги 17 та делегация аъзолари ҳалок бўлади”. Бу фожиа сирлари шу қисқа тушунтириш билан қифояланади.

Шаркий Туркистон уч вилоят раҳбарияти ихтиёрий равишда ҳокимиятни хитой коммунистларига топширмагани учун Сталин томонидан шундай усул билан ўлим жазосига маҳкум этилади. Жаҳон жамоатчилиги кўз олдига бу усулни ишонарли қилиб кўрсатиш учун улар ҳатто ўзининг содиқ мутахассис жосус-дипломатини ҳам бирга қурбон қилади. Дарҳақиқат, мақсадга эришишда иймонсиз, виждонсиз коммунистлар учун барча усуллар яхшидир.

Шундан кейин сентябр ойининг ўрталарида Пекинга умумхалқ сиёсий маслаҳат Кенгашининг биринчи сессиясига етиб келган Сайфиддин Азизий ва Бурҳон Шаҳидий бошлик янги делегация Шинжонг халқининг ихтиёрий равишда коммунистик Хитой давлати тарқибига қириши тўғрисидаги ҳужжатларни сўзсиз имзолайдилар. Шунинг эвазига Мао дзедун Сайфиддин Азизийни Шинжонг ўлка ҳукуматининг раиси этиб тайинлайди.

Натижада, Алихонтўра ташаббуси, бошчилиги асосида ташкил топган Миллий армия тарқатилади; миллатсевар, Ватанпарвар улуғларимиз таъқибга учрайди, қамалади ёки чет элларда паноҳ топадилар. Бепоён Шаркий Туркистон ўлкаси Кизил хитойларга ўлжага қолади. Ички Хитойдан қумолидай ёпирилиб кела бошлаган коммунистлар ва уларнинг сон-саноксиз қуролли қўшини ерли халқни темир исканжага олиб, итоатқўй маҳкумларга айлантира бошлайди. Бу жараёни кўриб, билиб турган қалбида миллий ҳиссиёти бор бугунги авлод кўзларида нам бўлмаса ҳам, қалбида йиглаб келмоқда...

Увайсхон Шокировнинг "Алихонтўра Соғуний" китобидан